

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РА҆КАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

НАМОЗОВА ХУРМАТ ЖАЛИЛОВНА

**ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКДА ЧЕГАРАВИЙ НЕВРОЛОГИК-
РУХИЙ ЗАРАРЛАНИШЛАРНИНГ КЛИНИК
ВА ДИАГНОСТИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**14.00.13 – Неврология
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertations abstract of doctor of philosophy (PhD)

Намозова Хурмат Жалиловна

Цереброваскуляр касалликда чегаравий неврологик-рухий заарланишлар-нинг клиник ва диагностик ўзига хослиги 3

Намозова Хурмат Жалиловна

Клинические и диагностические особенности пограничных психоневрологических изменений при цереброваскулярных заболеваниях..... 23

Намозова Хурмат Жалиловна

Clinical and diagnostic features of borderline neuropsychiatric pathologies in cerebrovascular diseases.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

НАМОЗОВА ХУРМАТ ЖАЛИЛОВНА

**ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКДА ЧЕГАРАВИЙ НЕВРОЛОГИК-
РУХИЙ ЗАРАРЛАНИШЛАРНИНГ КЛИНИК
ВА ДИАГНОСТИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**14.00.13 – Неврология
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафадоктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.1.PhD/Tib4289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Саноева Матлюба Жахонқуловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мухамадиева Нигина Баходировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ходжаева Назира Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлибўтади (Манзил: 200007, Бухоро, Фиждувон қўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200007, Бухоро, Фиждувон қўчаси, 23-уй.

Диссертация автореферати 2025-йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) цереброваскуляр касалликларни табиатан аҳолининг ҳаётига таҳдид соладиган, "глобал эпидемия" сифатида таснифлаган (2022) ва ҳисоб-китобларга кўра дунёда ҳар йили 6 миллионга яқин мия инсульти қайд этилади ҳамда $\frac{1}{4}$ бемор дунёдан кўз юмади (2021). Статистик маълумотларга кўра, инсультдан кейин одамларнинг атиги 10-20 фоизи ишга қайтади; тахминан 25 фоизи, аксинча, қолдиқ-асорат ва бош мия қон-томир касаллиги асосида шаклланаётган "когнитив бузилишлар" туфайли ташқи ижтимоий ҳамда жисмоний ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Цереброваскуляр патология (ЦВП) ёши, жинси ва яшаш шароитидан қатъий назар, когнитив дисфункция чақирувчи энг кенг тарқалган омиллардан бири деб ҳисобланади.

Бутун дунёда цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) йилдан йилга ошиб бормоқда ва ҳар 1000 нафар аҳолининг 1-4 тасида аниқланади. Улар орасида энг жиддий муаммони намоён қилувчи касаллик (тахминан 35%) ўткир ЦВК ёки ўткир инсульт ҳисобланади. Шу билан бирга, бош мия қон-томирлари зарарланиши ҳисобидан келиб чиқувчи деменция сурункали мия ишемияси (СМИ) ривожланишининг III босқичи ҳисобланади¹. Бундан ташқари, "бош мия қон томирлари когнитив бузилиши" концепцияси цереброваскуляр этишмовчиликнинг деменция олди босқичида янада фаол ва патогенетик асосланган даволаш имкониятларини очади. Когнитив (идрок, хотира, дикқат, назорат фаолияти, праксис, нутқ) бузилишлар бош мия қон-томирни фаолияти сурункали бузилишлари (БМҚТФСБ) намояндаси бўлиб, нейропсихиатрик бузилишлар туркумига тегишилдири. Нейропсихиатрик белгиларнинг таркибий қисмларидан бири когнитив бўлмаган нейропсихиатрик ҳолат (депрессия, ҳаддан зиёд асосланмаган ташвиш, безовталиқ, ҳиссий лабиллик, уйқу ва овқатланиш бузилиши, эйфория, апатия, қўзғалиш, тажовузкорлик, ғайритабиий ҳаракат фаоллиги, психотик аломатлар (ғайритабиий, асосланмаган гоялар, галлюцинациялар))ни эрта ташхислаш, беморларни кузатиш, назоратга олиш, даволаш, профилактика ва реабилитация муаммолари йиллар давомида дунёning етакчи мамлакатларида устувор вазифалардан бирига айланган.

Мамлакатимизда ЦВК диагностикаси, ундаги когнитив ва нокогнитив бузилишлар, дифференциал диагностика, персоналлашган даволаш муолажаси, реабилитация ва иккиласи профилактика ўта юқори ўринларни эгаллайди. Мияда қон томир патологияси бўлган беморларни даволаш харажатлари умуман олганда барча соғлиқни сақлаш харажатларининг 20%ни ташкил этади. Ушбу маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, ўрганиш ва таҳлил этишнинг айни муддаолигига шубҳа туғилмайди.

¹ Зуева М.В. Функциональные аспекты естественного и патологического старения головного мозга у долгожителей и перспективы исследований зрительной системы // Рос. офтальмологический журнал. 2015. № 4. С. 60–70.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 май, 2018 йил «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони²; 30 август, 2018 йил «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3925-сон қарори; 13 февраль, 2019 йил «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4190-сон қарори; 28 июль, 2021 йил «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5199-сон Қарори; 19 июнь, 2023 йил «Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-196-сон³ қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Бироқ, сурункали мия ишемияси ва у билан боғлиқ асоратлар борасида қилинаётган сай ҳаракатлар аҳамиятли ютуқларга олиб келаётганлигига қарамай, касалликнинг патогенетик жиҳати, клиник қўриниши, босқичлари, ташхислаш муаммолари, катта эҳтимол билан ривожланадиган неврологик асоратларни даволаш, профилактикаси ҳали ҳануз етарлича ечим топмаган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги 10 йил ичida ЦВП ва унинг оқибатлари натижасида келиб чиқсан турли когнитив, нокогнитив, ҳаракат, сезги бузилишининг кенг тарқалиши билан боғлиқ муаммолар бир неча борга ошди. Бундай тез суратларда касаллик ва асоратларининг ошиши замонавий тиббиётда ташхислаш, дифференциал ташхислаш имкониятларининг сезиларли даражада ошганлиги билан боғлиқ бўлиш эҳтимоли кучлидир. Жумладан, мультиспирал компьютер, магнит-резонанс, позитрон-эмиссион томографиялари, мия томирлари транскраниал ва интракраниал допплерографияси, дупплекс, триплекс сканнираш, лаборатор ташхислаш усуллари диагностик имкониятларни сезиларли даражада оширди. Бундан ташқари, миянинг кичик қон томирлари заарланиши туфайли шаклланган турли катталиқдаги ишемик ўчоқлари (энцефалома-ляция ёки лезионлар) бутун дунё аҳолиси орасида 11,3 фоиз ҳолатда учраб умумий ўлим кўрсаткичидан 3-ўринни, юрак қон-томир касалликлари ва ўсмалардан кейин 2-ўринни эгалласада, тиббий кўрикда шифокорлар уни тасодифан нейровизуал кўрикларда аниқлашади (Belskaya K. et al., 2021).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.12.2018 йилдаги ПФ-5590-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари: 30.08.2018 йилдаги ПҚ-3925-сон; 13.02.2019 йилдаги ПҚ-4190-сон; 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сон; 19.06.2023 йилдаги ПҚ-196-сон

Сурункали мия ишемияси ЦВП таркибидаги касалликлар орасида энг тарқалган патология ҳисобланиб замонавий адабиётда унинг турли атамалари қайд этилади. "Сурункали мия ишемияси" (СМИ) атамаси 10-қайта кўрилган касалликлар халқаро таснифи (КХТ)га мувофиқ "Дисциркулятор энцефалопатия" атамаси ўрнига таклиф қилинган (Чухонцева Е.С., 2021). Россия ва МДҲ мамлакатларида цереброваскуляр патологиядан келиб чиқадиган ўлим даражаси дунёдаги энг илғор кўрсаткичлардан бири бўлиб аҳоли орасида эрта ногиронликни олиб келиши билан ажралиб туради (Бельская К.А. ва бошқ., 2024). СМИ – бу мия қон таъминотининг узок муддатли етишмовчилиги шароитида мия тўқималарининг диффуз ва/ёки кичик ўчоқли шикастланиши натижасида пайдо бўлган миянинг аста-секин прогрессив дисфункцияси ҳисобланади. Яъни, катта экстра - ва транскраниал артериялар заарланиши ёки кардиоген эмболиялари билан боғлиқ ўткир мия қон айланишининг бузилишларидан фарқли, ушбу патологияда кичик қон томирлар заарланади (микроангиопатия) (Sanoyeva M.J. et al., 2023; Елисеев М.С., 2024). СМИнинг кучайиб боришида неврологик нуқсонлар тез пайдо бўлиб чукурлаша бошлайди, ақлий ва когнитив фаолият бузилиши деменция ҳолатининг ривожланишига олиб келади, бу эса ҳатто дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида ҳам энг катта тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади (Kawada T., 2023; Johnson R.J. et al., 2023). СМИ билан оғриган беморлар сонининг кўпайиши артериал гипертензия (АГ), атеросклероз, қандли диабет, юрак хасталиги ва бошқа шунга ўхшаш касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқдир (Котова О. В. ва бошқ., 2021). Мия нейронларининг шикастланишида "оксидловчи стресс" катта аҳамиятга эга – эркин радикалларнинг ортиқча ҳужайра ичидаги тўпланиши, липидларнинг перекись оксидланиши (ЛПО) жараёнининг фаоллашуви, ЛПО махсулотларининг ортиқча тўпланиши, глутамат рецепторларининг ҳаддан ташқари қўзғалиши глутамат эксайтотоксик таъсирини кучайтиради (Ryszard Pluta, 2021; Sanoyeva M.J. et al., 2023).

Шунингдек, кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўртacha умр кўриш давомийлиги 73,8 ёшга етган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябридаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармонининг 1-иловасига асосан “Аҳолининг ўртacha умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш, ...аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш йўли билан ...1,5 миллион юрак-қон томир касаллиги бор беморларда даволашни тўлиқ қамраб олиш, ...юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш йўли билан ...эрта аниқлаш даражасини 70 фоизга етказиш, ...катта ёшдаги (40 ёш ва ундан юқори) аҳоли орасида қандли диабет ва артериал гипертония касалликларини эрта босқичида аниқлаш кўрсаткичини 2 баробарга ошириш, ...30 - 69 ёшдаги аҳоли орасида ҳар 100 минг аҳолига нисбатан юрак-қон-

томир, қандли диабет, сурункали респиратор касалликларидан ўлимни 30 фоизга камайтириш" каби қўйилган вазифаларни бажариш тиббиётнинг, айниқса, ангионеврологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Айниқса, СМИ келиб чиқиши патогенезини тушуниш даволашнинг оптимал стратегиясини танлаш учун ўта зарурдир. Сурункали мия ишемиясининг асосий клиник кўринишлари – полиморф ҳаракат бузилишлари, нейропсихиатрик белгиларнинг янада жадаллашиши ҳисобланади. СМИдаги когнитив фаолият, психоэмоционал ўзгаришларни ўрганиш соҳасидаги мавжуд илмий изланишларга қарамай, чегаравий нейропсихиатрик ҳолатларнинг аниқ клиник ва ташхислаш мезонлари, уларни эрта ташхислаш, дифференциал диагностик муолажалар натижаларига кўра персоналлаштирилган даволаш ва профилактикани тарғиб қилиш катта мунозараларга учраб келмоқда. Ушбу илмий тадқиқот иши санаб ўтилган муаммоларни баратараф этишда муайян даражада ўз ҳиссасини қўшади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолисига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олишнинг янги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши" (10.2025.PhD 239) мавзуси доирасида бажарилган.

Илмий ишнинг мақсади. ЦВК таркибидаги сурункали мия ишемиясида чегаравий неврологик-рухий ҳолатларни таҳлил этиш, босқичлар ривожланишига кўра клиник ва диагностик ўзига хослигини қиёсий ўрганиш, клиник, инструментал мезонларга кўра ташхислаш алгоритмини яратиш.

Илмий ишнинг вазифалари:

сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларнинг неврологик, нейропсихологик, гемодинамик, нейрофизиологик келиб чиқиши механизмларини касаллик босқичига кўра қиёсий ўрганиш;

сурункали мия ишемиясида когнитив, психоэмоционал, психопатизация ҳолатининг мавжудлиги ва уларнинг касаллик босқичига боғлиқлигини аниқлаш;

сурункали мия ишемиясида бош мия нейровизуал кўриниши, гемодинамик ўзгаришларини касаллик босқичига кўра комплекс баҳолаш;

ўрганилган чегаравий неврологик ва нейропсихологик заарланиш натижаларига асосланиб сурункали мия ишемиясининг босқичма-босқич ташхислаш алгоритмини яратиш.

Илмий ишнинг обьекти. Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш мақсадида 172 нафар бемор назоратга олинди. Барча назоратга олинганлар уч гурухга ажратиб ўрганилди: 1-гурух – 62 (36,0 фоиз) нафар когнитив бузилишлари мавжуд бўлмаган, хафақон касаллиги билан оғриган беморлар (назорат гурухи); 2-гурух – 57 (33,1%) нафар сурункали мия ишемияси билан оғриган, невротик даражадаги ўзгаришлари мавжуд беморлар; 3-гурух – 53

(30,8 фоиз) нафар сурункали мия ишемияси фонида енгил ва ўрта даражадаги когнитив бузилишлар мавжуд беморлар.

Тадқиқотнинг предмети. Неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал, психодиагностик, лаборатор текширув натижалари, бош мия қон томирлари ва веноз қон.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

сурункали мия ишемиясида церебрал гемодинамиканинг заарланиши координатор, кохлеовестибуляр, псевдобулбар, экстрапирамидал, вегетатив ва чукур психокогнитив бузилишлар ривожланишига сабаб бўлиши ҳамда уларнинг шаклланиш даражаси касаллик чуқурлашиш босқичига боғлиқлиги асосланган;

сурункали мия ишемиясида психокогнитив фаолият бузилиши қондаги биохимик кўрсаткичлар, хусусан, С-реактив оқсил, Д-димер, цистатин-С, атерогенлик индекси, лейкоцитларнинг ошиши, витамин Д3нинг пасайишига боғлиқлиги ҳамда уларнинг касаллик босқичига кўра чуқурлашиши аниқланган;

сурункали мия ишемиясида диффуз γ -, δ -, θ -патологик тўлқинлар пайдо бўлиши, пўстлоқнинг ташқи ва ички атрофияси шаклланиши, нейропсихокогнитив бузилишларнинг бош мия оқ моддаси ва перивентрикуляр соҳаларида пайдо бўлган энцефаломаляция ўчоқларининг жойлашуви, ўлчами ва сони билан мусбат корреляцион боғлиқлиги ($p=0,7-0,8$) исботланган;

сурункали мия ишемиясини ташхислашнинг чегаравий неврологик, психопатологик бузилишлар психореабилитацияси ва профилактика тамойилларига асосланган босқичма-босқич алгоритми ишлаб чиқилган.

Илмий тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

олиб борилган комплекс нейропсихологик, психодиагностик таҳлил натижасида сурункали мия ишемиясида неврологик ва нейропсихологик ўзгаришлар касалликнинг ривожланиш даражаси, босқичларига боғлиқлиги аниқланган ва ушбу ўзгаришлар профилактикасига асос солинган;

сурункали мия ишемиясида когнитив фаолият бузилишини аниқлаш ва ўрганишда инструментал текширув усулларининг аҳамияти ва зарурати асосланган, бу билан эрта, чукур ногиронлик ривожланишининг олдини олишга эришилган;

сурункали мия ишемиясида гемодинамиқ, нейрофизиологик, нейровизуал, қон зардоби кўрсаткичларидаги патологик белгилар касалликнинг чуқурлашуви, оғир асоратлар ривожланишидан далолат бериб реабилитация дастурларини ишлаб чиқишига қулай шароит яратиб берган;

сурункали мия ишемиясида чегаравий неврологик ва руҳий зарарланишларнинг ташхислаш алгоритми амбулатор, стационар ва илмий марказлар доирасида ўз вақтида даволаш муолажасини тўғри ташкил этиш, асоратлар олдини олиш, ногиронликни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи неврологик, нейровизуалиацион, доплерографик, нейропсихологик, лаборатор тадқиқот усулларининг чукур таҳлил асосида

қўлланилганлиги, шунингдек клиник тадқиқотда олинган материалнинг етарли ҳажмда эканлиги ва текширув усууларидан олинган натижаларнинг ишончлилиги, маълумотларнинг статистик жиҳатдан ишончлилиги ва далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига таянганлиги, мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққосланганлиги, хуносаларнинг тегишли тузилмалар томонидан тасдиқланлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали мия ишемиясида неврологик, руҳий ўзгаришларнинг касаллик даражасига кўра ўзгариши, таркиби, асоратлар ривожланишининг эҳтимоли, ногиронлик ва ўлим ҳолати профилактикаси тўғрисидаги назарий билимлар даражасининг кенгайтирилганлиги, клиник кўринишларни қиёсий баҳолаш, баъзи белгиларнинг корреляцион таҳлили, тадқиқотнинг илмий исботланган натижаларига асосланган ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш, улар асосида ташхислаш алгоритмини яратиш, асосли профилактик тадбирларни тавсия этишдан иборат. Илк маротаба сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда когнитив, неврологик, психоэмоционал, нейрофизиологик, гемодинамиқ, лаборатор ўзгаришлар касаллик босқичига кўра ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нейропсихологик таҳлил натижасида сурункали мия ишемиясида неврологик ва нейропсихологик ўзгаришларнинг патогенетик ривожланиши чуқур таҳлил қилиниб профилактик ёндашувга асос солинди. Когнитив ва нокогнитив, неврологик ва руҳий ўзгаришларнинг бир бирига бевосита боғлиқлиги асосида ногиронлик ва ўлим ҳолатининг олдини олувчи тадбир таклиф қилинди ҳамда соғлиқни сақлаш тизимиға кенг жорий қилиш учун тақдим этилди. Ундан ташқари, сурункали мия ишемиясида чегаравий неврологик ва нейропсихологик заарланиш мезонлари ўрганилиб соғлиқни сақлаш тизимида кенг тадбиқ қилиш учун босқичма-босқич ташхислаш алгоритми яратилди.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилганлиги.

Цереброваскуляр касалликлар таркибидаги сурункали мия ишемиясида чегаравий неврологик-руҳий ҳолатни, босқичлар ривожланишига кўра клиник ва инструментал мезонларни илмий таҳлил этиш натижаси асосида: когнитив ва нокогнитив заарланишларни эрта аниқлаш асоратларнинг олдини олиш мақсадида «Сурункали мия ишемиясида психоэмоционал ва когнитив фаолиятни ташхислаш шкалаларнинг миллий нормативларини яратиш» (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/117-сонли маълумотномаси) ва «Цереброваскуляр касалликларда чегаравий неврологик-руҳий ўзгаришларни ташхислаш усули» (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/118-сонли маълумотномаси) мавзуларидағи услубий тавсиянома тасдиқланган. Тадқиқот натижаси стационар ва амбулатор

шароитида СМИда кузатиладиган нейропсихологик ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш орқали даволаш, реабилитация ва профилактик тадбирларни эрта, тўғри танлаш имконини берган.

Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: сурункали мия ишемиясида комплекс нейропсихологик, лаборатор, гемодинамика, нейровизуал, нейрофизиологик ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш асосида эрта малакали неврологик, тиббий психологик, руҳий тикланиш муолажаларини ўтказиш имкони яратилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** сурункали мия ишемиясида ривожланадиган чегаравий ҳолатни ташхислаш усули асосида ҳар бир бемор учун 714.000 сўм иқтисод қилинган, ҳамда мақсадли даво муолажаси ташхисланган чегаравий ҳолат бўйича танланиши тавсия этилган. **Хулоса:** сурункали мия ишемиясида ривожланадиган чегаравий ҳолатни ташхислаш натижасида ҳар бир бемор учун 714.000 сўмлик иқтисодий самарага эришилган.

Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: сурункали мия ишемиясида психопатизация ҳолатининг оғирлик даражаси касаллик босқичига боғлиқ бўлиб чуқур когнитив ўзгаришларга олиб келиши невролог, психиатр ва умумий амалиёт шифокорлари учун даволаш, реабилитация ва профилактик тадбирларни танлашга хизмат қилган ҳамда ногиронлик ва ўлим ҳолатининг олдини олишга имкон яратган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** сурункали мия ишемияси билан мурожаат қилган беморларда чегаравий ҳолатни ташхислаш касаллик ташхисотига тўғри ёндашиш, даволашни ҳам психоэмоционал, ҳам когнитив ҳолатни эътиборга олиб тўғри танлаш, психопатологик ҳолатнинг янада чуқурлашмаслик профилактикасини ўтказиш, стационар даволаш давомийлигини қисқартириш, мақсадли ва индивидуал даволаш муолажасини танлаш орқали ҳар бир бемор учун 623.000 сўм бюджет маблағларини тежашга имкон берган. **Хулоса:** ҳаёт сифатининг яхшиланиши, ногиронлик ва ўлим ҳолатини камайтиришга эришилган.

Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: сурункали мия ишемиясида когнитив фаолият бузилиши қондаги биохимик кўрсаткичлар, нейрофизиологик, нейровизуал ва гемодинимик ўзгаришлар билан боғлиқлигининг исботланганлиги невролог, психиатр ва умумий амалиёт шифокорлари учун бош мия томир касалликларида ногиронлик ривожланишининг олдини олувчи профилактик ёндашиш ҳамда эрта ташхислаш усулларини танлаш имконини яратган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** когнитив, психоэмоционал ҳолатни таҳлил этувчи сўрвнама, шкала ва тестларнинг миллий нормативларини яратиш асосида 95,9% иқтисодий самарадорликка ва ҳар бир бемор учун 1512000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** сурункали мия ишемиясида психоэмоционал ва когнитив ҳолатни баҳолаш ҳамда инструментал текширув усулларини қўллаш орқали бош мия чуқур заарланиши профилактикаси ва реабилитация усулларини танлаш, эрта малакали

неврологик, тиббий психологик, руҳий тикланиш муолажаларини яратишга имкон берган.

Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: СМИни ташхислашнинг яратилган босқима-босқич алгоритми орқали чегаравий неврологик, нейропсихологик заарланишларнинг психореабилитацияси ва профилактикасига асос солинган бўлиб беморларни ижтимоий ва майший жиҳатдан ўзини бошқариш, оила аъзолари, яқинлари томонидан тўғри парвариш қилишга шароит яратган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** яратилган алгоритм стационар даво давомийлигини қисқартириш, амбулатор даво муолажасини мақсадли тавсия этиш, ётқ даврининг камайиши, ногиронлик даражасини имкон қадар пасайтириш орқали давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир бемор учун 714 000 сўм маблағ тежалишига эришилган. **Хуроса:** Сурункали мия ишемиясида ногиронлик ривожланиш профилактикасини белгилаш, хасталанган аҳоли орасида эрта малакали неврологик, тиббий психологик, руҳий тикланиш муолажаларини ўтказиш, ўз-ўзига хизмат қилиш, уй юмушлари ва майший фаолиятга имкон қадар мустақил қатнашиш имконини берган.

Сурункали мия ишемияси билан азият чеккан беморларда оғир клиник, нейропсихологик ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаб даволаш, реабилитация ҳамда профилактик усулларни тўғри танлаш орқали чуқур ногиронлик ва ҳатто ўлим ҳолатларини камайтиришга имкон яратилган бўлиб, соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси (14.05.2025 й; буйруқ № 762-2-42-ТБ/225-сон) ва Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психиатрия хизмати бўйича Навоий вилоят филиали (16.05.2025 й; буйруқ 42-сон) амалий тиббиётига жорий қилинган. Унинг натижасида касаллик кечиши барқарорлашган, беморларни касалхонада даволаниш муддатлари камайган ва ҳаёт сифатининг ижобий томонга ўзгариши кузатилган. Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник Кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22/09-сонли хуросаси олинган.

Олинган натижаларнинг апробацияси. Илмий тадқиқот ишининг натижалари бўйича 6 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика семинар ва конференциларда маъруза шаклида эълон ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида жами 13 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия қилган журнallарда 6 та мақола, шундан 1 таси халқаро журналда, 1 та ихтиро патенти (IAP №7991, 22.03.2025), 1 та ЭҲМ дастур ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 та боб, хотима, хуроса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, текширув обьекти ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги қўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмийлиги, амалий натижаларининг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация маълумотлари, нашр қилинган мақола ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Цереброваскуляр касалликлар – этиопатогенези, тарқалиши, аҳоли орасида учраши (адабиётлар шарҳи)" деб номланган биринчи бобида сурункали мия ишемиясининг этиопатогенези, эпидемиологияси, келиб чиқиши омиллари, патогенетик ривожланиши, таркибидаги психоорганик белгиларнинг аҳамияти, неврологик ўзгаришлар хилма хиллиги, психоорганик ва неврологик ўзгаришларни эрта ташхислаш ва диагностик ўзига хослиги, шаклланувчи неврологик ва психоорганик заарланиш профилактикаси ва даволаш тамойиллари назарий жиҳатлари чукур талқин этилган. Сўнгти 10-йиллик хорижий адабиётлар таҳлили мавжуд усуллар аҳамияти ва ўрганилмай қолган томонлари, шунингдек, муаммонинг ҳал этилмаган ёки ўрганишни талаб қиласиган жиҳатлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг "Тадқиқот таркиби, қўлланилган текширув усули ва обьекти" деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усулларига бағишлиланган асосий масалалар кўриб чиқилган. Тадқиқот вилоят қўп тармоқли даволаш-профилактика маркази, Республика руҳий касалликлар илмий амалий марказининг Бухоро филиалида 2020-2023-йиллар даволаниб назоратга олинган, неврологик, нейровизуал, нейрофизиологик, лаборатор, инструментал ва психопатологик текширувдан ўтказилган 172 нафар беморнинг таҳлил натижалари уч гурухга бўлиб ўрганилди: 1-киёсий гурух – хафақон касаллиги мавжуд, аммо сурункали мия ишемияси яққол намоён бўлмаган 62 (36,1%) нафар бемор, 2-гурухни сурункали мия ишемиясининг 2-босқичи билан оғриган, невротик даражадаги руҳий бузилишлар ривожланган (33,1%) нафар бемор, 3-гурухни сурункали мия ишемияси фонида ривожланган когнитив фаолияти енгил ва ўртacha даражада бузилиши билан оғриган 53 (30,8%) нафар бемор (3-асосий гурух) ташкил этди.

Диссертациянинг "Цереброваскуляр касаллик таркиби, келиб чиқиши омили, асоратлар эҳтимоли (шахсий кузатув)" деб номланган учинчи бобида касаллик босқичи, клиник кўриниши, ҳамроҳ касалликлар, ёш ва жинсга нисбатан ўзига хос ўзгаришлар таҳлил қилинган, бунда беморларнинг неврологик ва руҳий ҳолатига комплекс баҳо берилган. Назоратдаги барча беморлар асосан хафақон касаллигининг 2-босқичи билан

азият чеккан, ундан ташқари, гурухларда атеросклероз, темир танқислик анемияси, юрак ишемик касаллиги (ЮИК), қандли диабет, буйрак фаолияти заарланиши, эндемик бўқоқ ҳамроҳ касаллик сифатида қайд этилди. Ушбу касалликлар СМИ клиник кечишига салбий таъсир этиб асоратларнинг тез ривожланиши ва оғир даражада намоён бўлишига сабаб бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

СМИ билан оғриган bemорларнинг неврологик белгилари бўйича клиник таҳлили

Неврологик белгилар	1-гурух (n=62)		2-гурух (n=57)		3-гурух (n=53)	
	abs	%	abs	%	abs	%
Бош оғрифи	11	17,7	42	73,7***	3	9,7*
Бош айланиши	15	24,2	51	89,5***	7	13,2*
Уйқу бузилиши	23	37,1	54	94,7***	53	100,0***
Гандираклаб юриш	3	4,8	48	84,2***	4	7,6*
Хотира пасайиши	22	35,5	56	98,2***	52	98,1***
Эътибор пасайиши	32	51,6	57	100,0**	53	100,0**
Касбий малаканинг пасайиши	14	22,6	53	93,0***	53	100,0***
Астеник синдром	26	41,9	51	89,5**	2	3,8***
Ўзини баҳолаш пасайиши	7	11,3	28	49,1***	51	96,2***

* - фарқлар 1-қиёсий гурухга нисбатан аҳамиятли (*- p<0,05; ** - p<0,01; *** - p<0,001)

1-жадвал маълумотларига кўра, шикоятлар хилма хиллиги ва тарқалиши асосий 2-, 3-гурухларда кўпроқ намоён бўлган ($p<0,05$; $p<0,01$; $p<0,001$). Неврологик ўчиқли белгиларга кўра, бош мия нервлари заарланиш белгилари 2- ва 3-гурухда 1-гурухга нисбатан аҳамиятли устунлик қилиб ($p<0,05$; $p<0,01$), у VII (юз нерви), XII (тил ости нерви), III (кўзни ҳаракатлантирувчи нерв), IV (n. troclearis), VI (узоқлаштирувчи нерв) жуфт нервларнинг бир томонлама, марказий типда заарланиши билан намоён бўлган. Ҳаракат тизими заарланиши пай рефлексларининг моно-, геми-, тетра- типда кучайиши, баъзи ҳолларда ҳатто парезлар шаклида намоён бўлиши, ушбу ўзгаришлар 2- ва 3-гурух bemорларида яққол кузатилиб 1-гурух bemорларига нисбатан устунлик қилиши ($p<0,05$; $p<0,01$) аниқланди. Сезги тизимида диффуз гиперестезия асосан 1-гурух bemорларида кузатилган бўлса, геми-, моно-, тетра- типдаги гипестезия, дизестезиялар 2- ва 3-гурухларда намоён бўлди. Шу билан бирга, кохлеовестибуляр заарланиш, псевдобульбар синдром (бош мия префронтал қисми, ўзаги ва пўстлоқ, ҳаракат ядроларининг заарланиши), координация бузилиши, постурал рефлекс (постурал бекарорлик, чайқаланиш, йиқилишга мойиллик), экстрапирамидал белгилар, позитоник реакция кузатилиб, улар бош мия тўқимасининг диффуз заарланганлигидан далолат берди. Вегетатив ўзгаришлар – кўп терлаш, гиперсаливация, тахикардия/ брадикардия,

қабзият, овқат ҳазм қилиш бузилиши, кичкина таҳоратнинг тезлашгани билан намоён бўлди.

HADS шкаласи натижаси бўйича субклиник хавотир ҳар учала гуруҳда деярли бир хил тарқалган эди, оғир даражадаги хавотир эса иккала гуруҳдан фарқли 2-гуруҳ bemorlarinинг деярли ярмида кузатилди. Субклиник депрессиянинг ҳар учала гуруҳ bemorlarinинг 1/3 қисмида деярли бир хил тарқалиб оғир депрессия 2-гуруҳ bemorlarinинг деярли ярмида кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Психоэмоционал ҳолатни HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale) шкаласи ёрдамида баҳолаш

Гуруҳ	Ўзгариш дараж.	1-гуруҳ (n=62)		2-гуруҳ (n=57)		3-гуруҳ (n=53)	
		abs	%	abs	%	abs	%
«A» кичик «хавотир» шкаласи	0-7 балл	29	46,8	6	10,5***	32	60,4
	8-10 балл	27	43,5	23	40,4	18	34,0
	>11 балл	6	9,7	28	49,1***	3	5,6
«D» кичик «депрессия» шкаласи	0-7 балл	36	58,1	11	19,3**	28	52,8
	8-10 балл	22	35,5	19	33,3	18	34,0
	>11 балл	4	6,5	27	47,4***	7	13,2

Изоҳ: * - фарқлар 1-киёсий гуруҳга нисбатан аҳамиятли
(*- p<0,05; ** - p<0,01; *** - p<0,001)

DASS-21 шкаласи натижаларига кўра тушкунликнинг паст даражаси 1-киёсий гуруҳга хос бўлиб (p<0,01; p<0,001), ўрта ва юқори даражадаги тушкунлик 2-гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан аҳамиятли кўпроқ учради (p<0,01; p<0,001). Айни пайтда, 3-гуруҳ bemorlariда когнитив фаолият бузилишининг чуқурлиги сабаб психопатологик ҳолатдни ўрганишда қийинчиликлар туғдирди. 2-гуруҳ bemorlariда ўрта ва юқори даражадаги хавотирнинг мавжудлиги ва унинг яққол, чуқур эмоционал зўриқиши билан намоён бўлганлиги гувоҳи бўлдик. 3-гуруҳ bemorlariда хавотирнинг кескин пасайганлиги, ўзига баҳо беролмаслик, ўз дунёси билан ҳаёт кечираётганлиги, ички изтиробнинг мавжуд эмаслиги эътиборимизни жалб этди. Стресс шкаласини таҳлил этганда ўрта даражадаги психологик стресс ҳолати учала гуруҳда деярли бир хил намоён бўлиб, оғир даражадаги стресс 2-гуруҳда 1- ва 3-гуруҳга нисбатан аҳамиятли кўпроқ кузатилди (p<0,01; p<0,001).

Шахсий хавотир ва ҳолатий/реактив хавотир Спилбергер-Ханин шкаласи бўйича аниқланиб хавотирнинг паст, ўртача даражаси барча гуруҳларда деярли бир хил, фақат 3-гуруҳда кучли шахсий хавотир (STAII-SIX) 1- ва 2-гуруҳга нисбатан аҳамиятли пастроқ (p<0,05) эди, реактив/ҳолатий хавотирнинг (STAII-XX/PX) кучли даражаси ушбу гуруҳда умуман кузатилмади.

Бек шкаласи бўйича (3-жадвал) 1-гуруҳда енгил, ўрта оғирликдаги ва яққол тушкунлик ҳолати аниқланган бўлса, 2-гуруҳда ўрта оғирликдаги,

яққол ва оғир депрессия, 3-гурухда енгил, яққол, ва оғир даражадаги депрессия ҳолати аниқланди.

3-жадвал

Бек депрессия шкаласи (BDI) бўйича тушкунлик ҳолатини баҳолаш

BDI							
1-гурух (n=62)	балл		13,8±0,73		16,7±0,90		21,6±1,06
	abs	%	32	51,6	18	29,0	12
2-гурух (n=57)	балл		18,2±0,97***		26,6±1,17***		34,8±1,28
	abs	%	19	33,3	17	29,8	21
3-гурух (n=53)	балл		15,8±1,96		24,6±1,12***		38,2±2,12
	abs	%	11	20,8	18	34,0	24

* - фарқлар 1-қиёсий гурухга нисбатан аҳамиятли

Изоҳ: (*- p<0,05; ** - p<0,01; *** - p<0,001)

Бундан ташқари, 1-гурухда суицид фикрлар 14 (22,6%) нафар, суицидга мойиллик 7 (11,3%) нафар bemорда; 2-гурухда суицид фикрлар 21 (36,8%) нафар, суицидга мойиллик 8 (14,0%) нафар, суицидга уриниш 4 (7,0%) нафар bemорда; 3-гурухда суицид фикрлар 14 (26,4%) нафар, суицидга мойиллик 26 (49,1%) нафар, суицидга уриниш 8 (15,1%) нафар bemорда намоён бўлди. СМИда кузатиладиган астения ҳолати MFI-20 субъектив шкала (Multidimensional Fatigue Inventory)сига кўра руҳиятнинг бешта белгиси баҳоланди. Унга кўра, 3-гурухда чукур астения ҳолати, 2-гурухда ҳаракат ва мотивация пасайиши, руҳий ва умумий астениянинг юқори даражаси, жисмоний астениянинг ўрта оғирлик даражаси аниқланди, 1-гурухда ушбу белгиларнинг пасайиши кузатилиб улар 2- ва 3-гурухлардан анча енгилроқ эди (p<0,05; p<0,01; p<0,001) (4-жадвал).

4-жадвал


Астенияни субъектив шкала (MFI-20) орқали баҳолаш

MFI-20 (балларда)					
Гурухлар	Умумий астения	Жисмоний (мускул) астения	Ҳаракат пасайиши	Мотивац. пасайиши	Руҳий (когнитив) астения
1-гурух	16,3±0,88	13,6±0,78	14,8±0,81	15,4±0,86	14,8±0,81
2-гурух	19,6±1,12**	18,6±0,9***	20,0±0,0***	20,0±0,0***	19,8±1,14***
3-гурух	20,0±0,0***	20,0±0,0***	20,0±0,0***	20,0±0,0***	20,0±0,0***

-фарқлар 1-қиёсий гурухга нисбатан аҳамиятли (- p<0,05; ** - p<0,01; *** -

Изоҳ: p<0,001)

Монреал шкаласи бўйича 1-гурух bemорларида асосан енгил, 2-гурухнинг аксарият bemорларида ўрта оғирликдаги, 3-гурух bemорларининг қарийиб 80%ида оғир когнитив бузилишлар қайд этилиб улар ҳақиқий ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ гурухни ташкил этишди (1-расм).



1-расм. Когнитив фаолият заарланишининг тарқалиши

АСЕ-III шкаласи 5-жадвалга мувофиқ баҳоланди – эътибор, хотира, вербал ассоциация тезлиги, нутқ, кўрув-фазовий фаолият пасайганлиги 2- ва 3-гурӯҳ беморларида аҳамиятли кўпроқ учради ($p<0,05$; $p<0,01$; $p<0,001$).

5-жадвал

АСЕ-III шкаласи асосида когнитив фаолиятни баҳолаш (балларда)

Когнитив фаолият (домен)	1-гурӯҳ (n=62)	2-гурӯҳ (n=57)	3-гурӯҳ (n=53)
Эътибор	17,8±1,12	11,3±0,73***	5,3±0,42***
Хотира	24,2±1,23	20,2±1,27**	12,7±1,08***
Вербал ассоциация тезлиги	12,7±1,06	9,12±0,68***	6,23±0,38**
Нутқ	25,8±1,18	19,4±1,31***	13,3±1,04***
